

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАБИИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ

“ТУПРОҚШУНОСЛИК” кафедраси

“ТУПРОҚШУНОСЛИК” йўналиши

«Ер тузиш ва ердан фойдаланиш» фанидан курс иши

Ибодуллаева Соҳиба

Гулистон - 2015

I. Кириш

Ер тузиш иқтисоди фанининг бозор иқтисодиёти шароитидаги аҳамияти, предмети, мақсади ва вазифалари.

Ўзбекистонда ер ислохоти ва ер тузиш ишлари ҳамда лойиҳа топшириғида берилган хўжалик ҳақида умумий маълумотлар. Курс лойиҳаси бўлимларига изоҳ.

II. Ижтимоий ишлаб чиқариш тизимида ер тузиш

Ер тузишнинг объективлиги ва унинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни.

Иқтисодий қонунлар ва уларнинг ер тузишга таъсири. Ер муносабатларини тартибга солишнинг иқтисодий механизми. Ер тузиш ишлари хўжалик механизмининг таркибий қисми.

III. Ер ислохотини ўтказишда ер тузишнинг роли

Ер мулкчилиги ва унинг ўзгариши. Бозор иқтисодиёти шароитида ер тузишнинг аҳамияти.

IV. Ер тузишнинг иқтисодий самарадорлиги назариясининг асослари

Ер тузишнинг иқтисодий самарадорлиги моҳияти, турлари ва унинг баҳолаш тамойиллари. Халқ хўжалиги самарадорлигини баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари. Ер тузишнинг халқ хўжалигидаги самарадорлигини занжирли индекслаш усулидан фойдаланиб аниқлаш. Ер тузишни режалаш ва ташкиллаш.

V. Хўжаликлараро ер тузиш иқтисоди

Хўжаликлараро ер тузишнинг мазмуни ва ижтимоий-иқтисодий характери. Қишлоқ хўжалик корхоналари, янги ердан фойдаланувчилар ерларининг оптимал ўлчамлари. Янги ташкил этилаётган корхонанинг рақобатбардошлигини ва иқтисодий самарадорлиги баҳолаш. Қишлоқ хўжалик корхоналарини қайта ташкил этишда ерларни олишнинг оқибатларини баҳолаш. Ер эгаликлари ерлари камчиликларини тугатишнинг иқтисодий самарадорлиги. Ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун ер ажратишни иқтисодий асослаш.

VI. Хўжаликларда ички ер тузиш иқтисоди

Иқтисодий кўрсаткичлар тизимини яратиш услубияти. Хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳаларини иқтисодий асослаш.

VII. Ер тузиш ечимларини иқтисодий асослаш

Ишлаб чиқариш бўлимларини ва хўжалик марказларини жойлаштириш. Асосий магистрал йўлларини жойлаштириш. Ерларни қишлоқ хўжалик учун трансформациялаш ва яхшилашни иқтисодий баҳолаш.

III. Турли табиий минтақаларда ер тузиш ечимларини иқтисодий асослаш

Қишлоқ хўжалиги ерларидаги эрозия турлари ва уларга қарши кураш чоралари, олиб борилган тадбирларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш. Ишчи лойиҳаларда ер тузиш ечимларини иқтисодий асослаш.

IX. Хулоса

Талаба курс лойиҳаси якунида олган илмий ва амалий кўникмалари, билимлари ҳақида ўз хулосасини билдириб ўзининг керакли таклифлари ва мулоҳазаларини ёзма тарзда билдиради.

Х.Фойдаланилган адабиётлар

Талаба курс лойихасини бажаришда фойдаланилган адабиётлар рўйхатини келтиради. Интернет тизимидан фойдаланган ҳолда.

Курс лойихасини бажариш учун тавсиялар

1. Кириш

Ер тузиш иқтисоди фанининг бозор иқтисодиёти шароитидаги аҳамияти, предмети, усуллари ва вазифалари.

Ўзбекистонда ер ислохоти ва ер тузиш ишлари ҳамда хўжалик ҳақида умумий маълумотлар. Курс лойихаси бўлимларига қисқача изох беради.

II. Ер тузиш иқтисоди фан сифатида.

“Ер тузиш” ва “Чегаралаш” тушунчалари, ер тузиш ва унинг моҳияти. Ер тузиш иқтисоди фанининг ўқув-илмий фанлар қаторидаги ўрни, унинг предмети, ер тузиш иқтисодининг асосий усуллари ва вазифалари.

II. Ижтимоий ишлаб чиқариш тизимида ер тузиш

Ер тузишнинг объектив характери, ер тузими, ер муносабатлари, ер тузиш тушунчалари, иқтисодий қонунлар гуруҳлари, ер тузишга ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқариш кучлари табиати ва ривожланишига мослиги, меҳнат унумдорлигининг ошиб борилиши, ер муносабатларини тартибга солишнинг иқтисодий механизмининг асосий элементлари, ер тузиш Республикамиз хўжалик механизмининг таркибий қисми.

III. Ер ислохатини ўтказишда ер тузишнинг роли

Ер мулкчилиги ва унинг элементлари, ер мулкчилигининг турлари, сервитутлар ва уларнинг асосий турлари, ер эгалиги ва ердан фойдаланиш ҳуқуқлари, ер мулкчини ташкил этиш ва қайта тақсимлаш ишлари, ерларни конфискациялаш, экспроприациялаш, национализациялаш, коллективизация ва хусусийлаштириш тушунчалари, ер ислохатини ўтказишда ер тузишнинг аҳамияти, бозор иқтисодиёти шароитида ер тузиш ишлари.

IV. Ер тузишнинг иқтисодий самарадорлиги назариясининг асослари

Ер тузиш самарадорлиги турларининг белгилари, ер тузиш мутлоқ, нисбий, ҳисобланган, яъни лойихавий ва ҳақиқий самарадорликлар, ер тузиш харажатларининг гуруҳлари, хўжаликда ички ер тузиш умумий самарадорлигининг асосий кўрсаткичи (асосий ёки мезон) ни аниқлаш.

$$\mathfrak{E}_{xx} = \frac{\Delta D}{X_0} \quad (1)$$

Бу ерда: ΔD - олинган миллий дараомад (қишлоқ хўжаликнинг соф масулоти, ялпи маҳсулот, соф даромад) ҳажмининг қишлоқ хўжалик корхоналарида ер тузиш ҳисобига ўсиши; X_0 -бу ўсишни таъминлаган. Ер тузиш харажатлари.

Капитал харажатлар самарадорлиги қуйдагича аниқланади:

$$\mathfrak{E}_k = \frac{\Delta D}{K_y} \quad (2)$$

Бу ерда: K_y –лойихалаш харажатлари.

Ишлаб чиқариш харажатларидан фойдаланиш самарадорлиги:

$$\mathfrak{E}_x = \frac{\Delta D}{U_x + E_M + \Phi_a} \quad (3)$$

Бу ерда: U_x - ишлаб чиқаришнинг йиллик харажатлари.

E_M - капитал харажатлар самарадорлигининг меёрий коэффициент.

Φ_a - кишлок хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш фондлари.

Ер тузиш лойиҳалари асосида амалга ошириладиган муҳит муҳофазаси харажатлари иқтисодий самарадорлиги:

$$\mathcal{E}_m = \frac{E\mathcal{E}_{ij}}{C + E_H K_C} \quad (4)$$

Бу ерда: $E\mathcal{E}_{ij}$ – i -турдаги, j -объект учун тўла иқтисодий самарадорлиги.

C - фойдаланиш харажатлари.

K_C - капитал харажатлар.

Умумий (мезон) кўрсаткичларга ер тузишнинг самараси ўрнига ўтувчи қўшимча ресурслари, жумладан капитал маблағлар, ишлаб чиқариш фондлари, меҳнат ваерни жалб этишдан келадиган самара кўрсаткичлари ҳам киради.

Улар қуйидаги формулалар ёрдамида аниқланади:

а) Капитал маблағлар сарфи учун:

$$\Delta K = \frac{\Delta I}{E_m} \quad (5)$$

б) Ишлаб чиқариш фондлари учун:

$$\Delta \Phi = \frac{\Delta I}{\Phi_a} \quad (6)$$

В) Меҳнат ресурслари учун:

$$\Delta M = \frac{\Delta I}{MU} \quad (7)$$

Бу ерда: Φ_a – фондларнинг қайтиши.

MU - Меҳнат унумдорлиги (соф маҳсулот бўйича)

Г) ер ресурслари учун:

$$\Delta E_{za} = \frac{\Delta I}{ME} \quad (8)$$

Ёки

$$\Delta E_{cum} = \frac{\Delta I}{C\Phi} \quad (9)$$

Бу ерда: МЕ- 1га қишлоқ хўжалиги ерлари ҳисобига етиштирилган соф маҳсулот (ялпи даромад

СФ - ссуда фоизи.

Ер тузиш самарадорлигини боҳолашда миллий даромад қийматининг индексли занжирли тарқалиш усули билан аниқлаш (Г.И. Бакланов усули)- Ушбу усулни мураккаб бўлмаган мисолда кўриб чиқамиз:

Айтайлик, ҳисобот даврида бошланғич даврга нисбатан деҳқончилик маҳсулотлари баҳоси диалитикасига қайси омиллар қандай таъсир этишни таҳлил этиш керак бўлади. Бунинг учун қуйидаги ифодадан фойдаланамиз:

$$B=a \cdot v \cdot c \quad (10)$$

Бу ерда: В- ялпи маҳсулот қиймати;

а- 1ц. Маҳсулотни сотиш баҳоси (таннархи) (нефть маҳсулотлари, техника, ўғит, уруғлик ва бошқа баҳоларнинг ўзгариш омили);

в- ҳосилдорлик, 1га ц (ҳосилдорлик омили);

с – экин майдони, га (майдон омили);

Айрим омилларнинг натижага таъсирини аниқлаш учун қуйидаги статистикада маълум нисбатлардан фойдаланамиз:

$$\frac{a_1 v_1 c_1}{a_0 v_0 c_0} = \frac{a_1 v_1 c_1}{a_0 v_1 c_1} \cdot \frac{a_0 v_1 c_1}{a_0 v_0 c_1} \cdot \frac{a_0 v_0 c_1}{a_0 v_0 c_0} \quad (11)$$

Бу ерда : a_0 ; v_0 ; c_0 – кўрсаткичлар базис (бошланғич) даврнинг қийматлари;

a_1 ; v_1 ; c_1 – кўрсаткичлар ер тузишдан кейинги (режавий давр)

қийматлар.

(10)-ифодадан кўриниб турибдики ялки маҳсулотни қиймати (в)-натижа маҳсулот таннархининг , ҳосилдорликни ва экин майдонларини ўзгаришига боғлиқ.

Қуйдаги жадвалда кўрсатилган бошланғич товардан экинлари учун маълумотлар ва занжирли тақсимлаш натижаларидан фойдаланиб ер тузишгача ва

ер тузилишидан кейинги даврдаги ҳар хил сотиш баҳоси, таннарх, ҳосилдорлик ва экин майдонларини деҳқончилик маҳсулотлари қийматига таъсирини аниқлаймиз.

Ялпи маҳсулот ўсишининг омиллар бўйича тарқалиши.

1-жадвал.

КЎРСАТКИЧЛАР	Ер тузишгача (бошланиш даври)	Ер тузишдан кейин (лойихавий давр)	Индекслар (динамика коэф-центлари)	Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши	
				Мутлоқ (абсолют), сўм	Нисбий, %
Сотиш баҳоси, 1ц.га сўм.	10	9.5	0.95	-21000	-8.4
Ҳосилдорлик, 1га. дон. ц.	25	35	1.4	+120000	+48
Экин майдони, га	1000	1200	1.2	+50000	+20
Деҳқончиликнинг ялпи маҳсулоти қиймати, минг сўм.	250000	399000	1.596	+149000	+59.6

Ҳисоблаш ишларини қуйидаги ифодалар бўйича олиб борамиз:

А) Сотиш баҳоси бўйича:

$$\frac{a_1 b_1 c_1}{a_0 b_0 c_1} = \frac{9,5 \cdot 35 \cdot 1200}{10 \cdot 35 \cdot 1200} = \frac{399000}{420000} = 0.95$$

$$399000-420000=-21000 \text{ сўм.}$$

Б) Ҳосилдорлик бўйича:

$$\frac{a_0 \theta_1 c_1}{a_0 \theta_0 c_1} = \frac{10 \cdot 35 \cdot 1200}{10 \cdot 25 \cdot 1200} = \frac{42000}{300000} = 1.4$$

$$420000-300000=120000 \text{ сўм}$$

В) Экин майдонни бўйича:

$$\frac{a_0 \theta_0 c_1}{a_0 \theta_0 c_0} = \frac{10 \cdot 25 \cdot 1200}{10 \cdot 25 \cdot 1000} = \frac{300000}{250000} = 1.2$$

$$300000-250000=50000 \text{ сўм.}$$

Шундай қилиб, ялпи маҳсулот қиймати сотиш баҳосининг камайиши ҳисобига 21 минг сўмга, яъни 8,4% га камайди. Ғалла ҳосилдорлигининг ўсиши ҳисобига 120 минг сўмга, яъни 4,8% га ва экиш майдонининг келгайиши ҳисобига 50 минг сўмга (20%) ошди. Барга омилларнинг биргаликдаги таъсири ялпи маҳсулот қийматининг 149 минг сўмга ёки 59,6% кўпайишига олиб келди, яъни:

$$B=-21000+120000+50000=149000 \text{ сўм}$$

$$250000-100\%$$

$$149000-x$$

$$X = \frac{149000 \cdot 100}{250000} = 59.6\%$$

V. Хўжаликлараро ер тузиш иқтисоди

1. Хўжаликлараро ер тузишнинг иқтисодий-ижтимоий мазмуни.

2. Ердан фойдаланувчилар ерларининг оптимал ўлчамлари. Бунинг ҳар хил усуллари мавжуд, жумладан: ўхшашлик, иқтисодий-статистик, ҳисоб-конструктив, иқтисодий-математик.

Ўхшашлик усулида шунга ўхшаш хўжалик табиий, иқтисодий шароитлари ўрганилади.

Чуқурроқ натижаларига эришиш мақсадида иқтисодий-статистик усулдан фойдаланилади. Шу мақсадда ўрганилаётган вилоятда жойлаштирилган ишлаб чиқариш туридаги барча хўжаликларнинг иқтисодий фаолият натижалари бўйича маълумотлар тўпланади. Статистик гуруҳлаш ёрдамида ер эгалари ер майдонларининг хўжалик самарадорлигига нисбий кўрсаткичлари $(\frac{H-X}{X})$ га (рентабеллик, ялпи ва товар махсулоти ҳажми, 100га к/х ерлари ҳисобига олинган ялпи дарамад ва фойда, фондлар қайтиши ва бошқа) таъсири таҳлил этилади. Оптимал сифатида корхоналар ер эгаларининг юқорида келтирилган кўрсаткичларининг юқорилари олинади.

Статистик маълумотларидан ишлаб чиқаришнинг натижавий кўрсаткичларининг хўжалик ўлчамларига $-X$ боғлиқлигини кўрсатувчи ишлаб чиқариш функцияларини тузиш учун ҳам фойдаланилади. Бунда кўпроқ иккинчи даражали парабола тенгламаларидан фойдаланилади:

$$y=a_0+a_1x+a_2x^2 \quad (12)$$

бу ерда: a_0 , a_1 , a_2 —энг кичик квадратлар усулидан фойдаланиб олинган, нормал тенгламалар тизимини ечиш йўли билан аниқланадиган тенгламалар коэффицентлари.

Ер эгалиги ўлчамининг оптимал қиймати ҳар биринчи ҳосилани $-\frac{dx}{dy}$ ни нолга тенглаш ва олинган тенгламани ечиш орқали аниқланади:

$$\frac{dx}{dy}=a_1+2a_2 X_{\text{опт}} \quad (13)$$

Бундан: $a_1+2a_2 X_{\text{опт}}=0$

$$X_{\text{опт}}=-\frac{a_1}{2a_2}$$

Тенгламанинг оптимум нуқтасидаги натижанинг экстремал қиймати $-y_3$ қуйидаги ифода билан ҳисобланади:

$$Y_3 = a_0 - \frac{a_1^2}{2a_2} \quad (14)$$

Бу қиймат агар $a_2 < 0$ бўлса максимал ва $a_2 > 0$ бўлса минимал бўлади.

Масалан; бир гуруҳ хўжаликлари учун В.Н. Хлистун томонидан куйидаги ялпи маҳсулот етиштиришнинг қишлоқ хўжалик ерлари майдонига боғлиқлигини аниқлаш формуласи:

$$Y = 0.34 + 0.31x - 0.0045x^2 \quad (15)$$

Бу ерда: x - қишлоқ хўжалик ерлари майдони, минг гектар

Y - ялпи маҳсулот қиймати, юз гектарга минг сум.

Ялпи маҳсулот ҳажмини максимал қийматига ($a_2 = -0.0045 < 0$) эканлигини инобатга олсак.

$$X_{\text{опт}} = -\frac{a_1}{2a_2} = -\frac{0.31}{2(-0.0045)} = \frac{0.31}{0.009} = 34.4 \text{ минг гектар.}$$

Ер эгалиги ўлчамининг максимал қиймати, демак $X_{\text{опт}} = 34.4$ минг гектар бўлганда натижа = 100 минг гектар учун экстримал Қиймати (14) ифодага кўра:

$$y_3 = 0.34 - \frac{(0.31)^2}{2(-0.0045)} = 0.34 - \frac{0.0961}{-0.009} = 0.34 + 5.339 = 11.02 \text{ минг сўмни}$$

ташқил этади.

3. Ялпи ташқил этилаётган қишлоқ хўжалик корхонаси рақобатбардошлиги ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Ялпи ташқил этилаётган ёки ери тузилаётган хўжалик бўйича ялпи, товар ва соф маҳсулотлар, фойдалар ва уларнинг ер майдонига, ишга яроқлилар сонига, режалаштирилаётган капитал харажатларга, ишлаб чиқариш фондларига нисбати ҳисоблаб топилади. Бу эса ердан, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини, капитал сарфлар ва ишлаб чиқариш фондлари самарадорлигини баҳолаш имконини беради.

Баҳолашнинг умумлашган кўрсаткичи сифатида хўжаликнинг, кутилаётган фойданинг маҳсулотнинг тўла таннархига нисбати сифатида аниқланадиган рентабеллик даражасини ёки унинг йиллик ўртача асосий ва айланма фондлар баланс қийматларига нисбати сифатидаги фойда меёрини аниқлаш керак.

$$N_p = \frac{m^1}{C + V} \cdot 100\% \quad (16)$$

Ёки

$$N_n = \frac{m^1}{\Phi_{ac} + \Phi_{ai}} \cdot 100\%$$

Бу ерда: N_p - ишлаб чиқаришнинг рентабеллик даражаси, %

N_n -фойда меёри, %

m^1 -фойда.

$C+V$ -маҳсулотнинг таннарихи.

Φ_{ac} ; Φ_{ai} - асосий ва айланма фондларнинг йиллик ўртача қиймати.

Ер тузиш лойихасида маълум капитал харажатлар (K) кўзда тутилган тақдирда, унинг самарадорлиги намунавий услубиятга асосан қуйидаги ифода ёрдамида E_c коэффиценти ҳисобланиб боҳоланади:

$$E_c = \frac{\Delta CM}{K} \quad (18)$$

Бу ерда: E_c -капитал харажатлар самарадорлигини кўрсатувчи коэффиценти.

ΔCM –соф маҳсилот (ялпи даромаднинг ўсиши).

Агар капитал харажатлар самарадорлиги коэффиценти меёрий даражадан ($E_m=0.07$ қишлоқ хўжалик тармоқлари бўйича) юқори бўлса, улар халқ хўжалиги нуқтаи назаридан самарали ҳисобланади.

4.Қишлоқ хўжалиги корхоналари қайта ташкил этишда ерларни олиш имкониятини баҳолашдаги кўрсаткичлар.

5.Ер эгаликлари ерларини камчиликлари ва уларни қишлоқ хўжалик корхонаси иқтисодиётига таъсири.

6.Ер эгаликлари ерларини камиликларини тугатиш самарадорликлари баҳолаш кўрсаткичлари.

VI. Хўжаликларда ички ер тузиш иқтисоди

1.Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш ни ташкил этиш босқичлари ва таркибий қисмлари.

2.Ишлаб чиқаришни ва ҳудудни ташкил этиш шакллар. Ташкил этишда ер ресурсларининг роли.

3.Хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳаларини баҳолашнинг иқтисодий кўрсаткичлар тизими ва назарий асоси.

4.Хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳасини таркибий қисмлари ва элементлари.

ЭСЛАТМА: - Курс лойиҳасида берилган топширигига асосан тумандаги фермер хўжалик (чорвачилик, паррандачилик, ўсимлик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган фермер хўжаликлари бўлиши мумкин)ларига ер ажратилган вақтдаги мавжуд ҳолати ва ажратилган кейинги алмашлаб экишларни ташкил этишнинг камида **3 хил** ечими А 4 формат ватман қоғозга сифатли ранг усули қўллаб тасвирланади. Ҳамда варақга тегишли шартли белгилар ва ички ер тузиш ечимларининг иқтисодий натижалари, жадваллари, диаграммалари тушурилади (4 - илова).

VII. Ер тузиш ечимларини иқтисодий асослаш

1.Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш бўлинмаларини ва хўжалик марказларини жойлаштиришни иқтисодий асослашда фойдаланиладиган кўрсаткичлар.

Бунда ҳудудни ташкил этишни такомиллаштириш асосан капитал харажатлар, яъни аҳоли яшаш жойларини, чорвачилик фермаларини, энергия, иссиқлик, сув таъминоти объектларини ва бошқаларини қуриш учун, билан боғлиқ. Уларнинг умумлаштирилган меъёрлари қуйидаги жадвалда кўрсатилган.

Аҳоли яшаш жойларини қуриш ва ободонлаштириш учун харажатларни ҳисоблашга тавсия этилаётган ифодалар.

2-жадвал.

№	ХАРАЖАТ ТУРЛАРИ	ҲИСОБЛАШ ИФОДАЛАРИ.
----------	------------------------	----------------------------

1.	Уй-жой курашиши	$A_1=5.4 \text{ N}$
2.	Маданий-маиший курилишлар	$A_2=257,22+1,15 \text{ N}$
3.	Инжинерлик жихозлаш ва ободонлаштириш: А) Сув таъминоти Б) Газ таъминоти В) Электр таъминоти Г)Кўкаламлаштириш	$A_3=49.5+0.16 \text{ N}$ $A_4=10.4+0.58 \text{ N}$ $A_5=59.2+0.18 \text{ N}$ $A_6=32.0+0.011 \text{ N}$
4.	Ҳамма харажатлар:	$A_0=408.32+7.48 \text{ N}$

Эслатма: N- аҳолининг умумий сони.

Қишлоқ курилишидаги қишлоқнинг аҳоли яшайдиган қисмининг умумий майдони қуйидаги ифода билан аниқланади:

$$S=aN+S_{np}n \quad (19)$$

Бу ерда: S_{np} –томорқа ерлармайдонига.

n –қишлоқда яшайдиган оилалар сони.

a- қишлоқда 1 одам ҳисобига умумий фойдаланиладиган ерлар (жамоа ерлари, кўкаламзорлар) майдонини кўрсатувчи коэффицент.

Аҳолиси 200 кишидан кўп бўлган қишлоқлар учун қишлоқлар курилишидаги аҳоли яшайдиган қисмининг умумий майдонини қуйидаги ифода билан аниқлаш мумкин:

$$S=4.9+1.24 \frac{N}{C} S_{np} \quad (20)$$

Бу ерда: C-оила аъзоларининг ўртача сони, одам.

Кичик қишлоқлар учун аҳоли яшайдиган қисмининг умумий майдони қуйидаги ифода билан аниқланади:

$$S=0.0045N+S_{np} \frac{N}{C} \quad (21)$$

2.Мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарини кенгайтириш, қайта қуриш ва технологик қайта қуриллатириш учун капитал харажатлар самарадорлигини баҳолаш.

Ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларини қайта жихозлаш ва таъмирлаш учун капитал харажатлар махсус тайёрланган смета-молия ҳисоб-китоблари асосида белгиланади. Унумлаштирилган баҳолаш учун бу қиймат объект биланс қийматининг 30% миқдорида, жихозларни тўла алмаштиришда эса-40% миқдорида белгиланиши мумкин;

Масалан:Объектнинг баланс қиймати 1000000 сўм бўлса, умумлаштирилган баҳолаш учун бу харажат:

$$X_{y6}=300000 \text{ сўмни ташкил этади.}$$

Жихозларни тўла алмаштириш харажатлари учун эса:

$$X_{ж.а}=400000 \text{ сўм керак бўлади.}$$

Ишлаб чиқариш марказларининг майдонларини аниқлашда ва қурилиш баҳосини ҳисоблашда қуйидаги жадвалдан фойдаланиш тавсия этилади:

Ишлаб чиқариш марказларини қуриш учун харажатлар ва уларнинг майдонини аниқлаш учун меёрлар.

3-жадвал.

№	ФЕРМАЛАР ВА ИНШОАТЛАР ТУРЛАРИ	СИҒИМИ	Қурилиш баҳосини ҳисоблаш ифодаси, минг сум.	Майдонни аниқлаш ифодаси,га
1.	Сут фермаси.	200÷1600 бош	$A_1=372,6+2,66P$	$S_1=0.38+0.008P$
2.	Қорамол бузоқларини ўстириш ва боқиш бўйича ферма.	100÷10000	$A_2=255.6+0.45P$	$S_1=1.6+0.0088P$

3.	Ғунажинларни ўстириш бўйича ферма	300÷60000	$A_3=0.62+0.97P$	$S_3=0.76+0.0021P$
4.	Жун-гўшт йўналишидаги қўй фермаси	300÷50000	$A_4=851.6+0.018P$	$S_4=0.32+0.00098P$
5.	Гўшт йўналишидаги паррандачилик фермаси	125÷100минг	$A_5=511.6+0.00468P$	$S_5=4.2+0.000019P$
6.	Қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш ва сервис хизматини кўрсатиш бўйича устахона	25÷200трактор	$A_6=45.7+1.39P$	$S_6=6.9+0.001P$
7.	Автомобил гаражи	5÷25автомобил	$A_7=90.2+1.12P$	$S_7=0.08P$

Изоҳ: Р- Ишлаб чиқариш марказларининг сифими (Мисол учун: фермадаги моллар бош сони).

VII. Турли табиий минтақаларда ер тузиш ечимларини иқтисодий асослаш

Ички ер тузиш лойиҳаларидаги эрозияга қарши чора тадбирлар, уларни самарадорлигини баҳолаш. Сугориш ва зах қочириш бўйича мелиорация ишлари. Алмашлаб экишларни иқтисодий асослашнинг хусусиятлари(жадваллар, чизмалар, графиклар. Ҳисоб-китобларбиланасослаб берилади). Ишчи лойиҳаларда ер тузиш ечимларини асослаш(асосий вазифалар, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, сарф этилган капитал харажатлар самарадорлиги ва бошқалар).

Мисол учун: - ерларни рекультивация қилиш ва кам унумли 50гектар ни унумдор тупроқ қатлами билан қоплаш ишларининг жорий йилдаги баҳосини аниқлаш талаб этилган бўлсин. Бунинг учун бажарилиши лозим бўлган ер тузиш ишларининг тахминий рўйхатининг далолатномаси тузиб олимиз. Бунда ер ишларининг хажмига нисбатан меёрий тўпламлардан (МЕР – 318,327,393,402)фойдаланиб 50 гектар майдондаги ер майдонларини рекултивациялаш учун сарф бўладиган ишчи ва машинистларнинг иш сарфини аниқлаймиз. Қуйида ушбу жадвални тўдириш тартиби намуна тарзида акс эттирилган:

БУЮРТМАЧИ: - Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти Ер ресурслари бошқармаси.

БАЖАРУВЧИ: - “Ер тузувчи» хусусий фирмаси.

ОБЪЕКТ : - Хоразм вилояти Ургут тумани “Хоразм ”фермер хўжалиги.

Бажариладиган ишнинг турлари: - Ерларни рекультивациялаш ва кам унумли ерларни унумдор тупроқ билан қоплаш ишларининг

ДАЛОЛАТНОМАСИ

«__»-_____ 200__й.

4-жадвал.

№	Бажариладиган ишларнинг турлари	Асос	Ўлчов бирлиги	Иш хажми	Ишчи ва машинистларнинг иш сарфи; киши/соат, маш./соат.	
					Бир бирлик учун	Умумий иш хажми учун
1	2	3	4	5	6	7
1.	79кВт(108 от кучи)га тенг кувватдаги бульдозерёрдамида 2-тоифадаги тупроқларни 60метргача масофагача суриб текислаш	МЕР-393-402.1-в-41	1000м ³	1.628	2.75 75.1	4.5 122.3
2.	79кВт(108 от кучи)га тенг кувватдаги бульдозерёрдамида 200метр масофагача 0.35м. чуқурликгача бир марта юриб юмшатиш	МЕР-393-402.1-в-41	1000м ³	6,504	2,75 30.57	18 199
3.	Суғориладиган майдонларда 3.0м ³ хажмга тенг ковшли прицепли скреперлар билан тупроқларни 100 м. гача масофага суриб текислаш	МЕР-318-327.1-566	1000м ³	1,051	2,06 45,49	2 48

3.1	Суғориладиган майдонларда 3.0м ³ хажмга тенг ковшли прицепли скреперлар билан тупроқларни 130 м.гача масофага суриб текислаш	МЕР-318-327.1-566	1000м ³	1,244	2,06 51,22	3 64
3.2	Суғориладиган майдонларда 3.0м ³ хажмга тенг ковшли прицепли скреперлар билан тупроқларни 150 м.гача масофага суриб текислаш	МЕР-318-327.1-566	1000м ³	0,172	2,06 56,95	0,35 10
3.3	Суғориладиган майдонларда 3.0м ³ хажмга тенг ковшли прицепли скреперлар билан тупроқларни 170 м.гача масофага суриб текислаш	МЕР-318-327.1-566	1000м ³	1,767	2,06 62,68	4 111
3.4	Суғориладиган майдонларда 3.0м ³ хажмга тенг ковшли прицепли скреперлар билан тупроқларни 210 м.гача масофага суриб текислаш	МЕР-318-327.1-566	1000м ³	0,119	2,06 74,14	0,24 9
3.5	Суғориладиган майдонларда 3.0м ³ хажмга тенг ковшли прицепли скреперлар билан тупроқларни 230 м.гача масофага суриб текислаш	МЕР-318-327.1-566	1000м ³	1,438	2,06 79,88	3 115
3.6	Суғориладиган майдонларда 3.0м ³ хажмга тенг ковшли прицепли скреперлар билан тупроқларни 250 м.гача масофага суриб текислаш	МЕР-318-327.1-566	1000м ³	0,713	2,06 85,61	1 61
4	Суғориладиган ер участкалари юзасини 79 квт қувватли булдозерлар билан 500 м.гача бўлган масофани икки марта юриш йўли билан	МЕР-423.1-671	га	6,7	0,31 3,10	2 21

	текислаш					
5	Биринчи бор 30 см. чуқурликгача ерларни хайдаш	МЕР-48-414	га	6,7	2,367	16
6	Вақтинчалик суғориш тармоқларини канал ковлагич трактори билан тайёрлаш	МЕР-300	1000 п.м.	1,170	6,1 0,91	7 1
7	0,65 м ³ ковшли экскаватор ёрдамида 2-тойида тупроқларни ковлаш ва автомобилларга юклаб бериш	МЕР-87	1000 м ³	8,66	10,2 75,74	88,3 656
	Ҳаммаси:					152,3 киши/соат 1433 маш./соат
Тупроқларни ташиш баҳосини аниқлаш						
№	Бажариладиган ишларнинг турлари	Асос	Ўлчов бирлиги	Иш хажми	Пешҳисоб баҳоси	
					Бир-бирлик нарҳи, сўм	Ҳаммаси, сўм
1	Автосамасваллар ёрдамида тупроқларни 2 км. гача бўлган масафага ташиш (1984 й. нарҳида)	ССЦ 1-30	Тн	1472	3	4416

Тузди:

_____ (гуруҳ номери, исми-шарифи)

Қабул қилди:

(рахбар лавозими, исми-шарифи)

Ушбу далолатномадаги ҳисоблаб топилган ишчи ва машинистлар умумий иш хажми қийматларидан фойдаланиб жорий нархдаги ерларни рекультивациялаш баҳосини ҳисоблаб топамиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.03.2003 йилдаги 261-сонли қарорига асосан марказлаштирилган капитал маблағларини (қўйилмаларини) жорий нархдаги қиймати қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$C=(C_0+C_M+C_{3П}+C_{ЭМ}+Π_П+C_P)·K_P \quad (22)$$

Бу ерда: 1) C_0 -асбоб ускуналарга, мебел ва инверталлар сотиб олиш харажатлари, бизнинг мисолимизда бундай харажатлар мавзуд эмас.

2) C_M -қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларга харажатлар, харажатлар йўқ.

3) $C_{3П}$ -иштимой суғурта ажратмаларини ҳисобга олган ҳолда асосий иш ҳақи харажатлари ресурс пешҳисоби бўйича қуйидаги формула билан ҳисоблаб топилади:

$$C_{3П}=T·C_4·K_c \quad (23)$$

Бу ерда: T -қурилишдаги ишчиларнинг киши соатлардаги меҳнат сарфи:

а) ишчилар учун $T=132,3$ киши/соат;

б) машинистлар учун $T=1433$ маш./соат;

C_4 -ишчиларнинг ўртача бир соатли иш ҳақи қуйидаги формула билан ҳисоблаб топилади:

$$C_4=З_{МС}·Φ \quad (24)$$

Бу ерда: $Φ$ -бир ойдаги иш соати, 176 соат.

$З_{МС}$ -ишчиларнинг ўртача бир ойлик иш ҳақи.

а) ишчилар учун ўртача -40000 сўмни ташкил этади.

б) машинистлар учун эса -60000 сўмни ташкил этади.

Демак, ишчиларнинг ўртача бир соатлик иш ҳақи (24) формулага кўра:

$$C_4=40000:176=227,27 \text{ сўм/соат.}$$

Машинистларнинг ўртача бир соатлик иш ҳақи эса:

$$C_4=60000:176=340,91 \text{ сўм/соат.}$$

$K_c=1,33$ -ижтимоий суғурта миқдори, асосий иш ҳақи харажатларидан 33%.

Ушбу ҳисоблаб топилган қийматлар ёрдамида (23) формуладан фойдаланиб суғурта ажратмалари (33%) ни ҳисобга олган ҳолда асосий иш ҳақи харажатларини ҳисоблаб чиқамиз:

а) ишчилар учун: $C_{зп}=132,3 \cdot 227,27 \cdot 1,33=40,0$ минг сўм.

б) машинистлар учун: $C_{зп}=1433 \cdot 340,91 \cdot 1,33=649,7$ минг сўм.

Жами: $C_{зп}=40 \text{ м/с}+649,7 \text{ м/с}=689,7$ минг сўм.

4) $C_{эм}$ -машина ва механизмларнинг фойдаланиш харажатлари эса қуйидаги формула билан ҳисоблаб топилади:

$$C_{эм}=\Theta_m \cdot \Pi_{пр} \quad (25)$$

Бе ерда: Θ_m -машиналарнинг ресурс бўйича фойдаланиш соатлардаги ҳажми, 4976 м/с.

$\Pi_{пр}$ -машина ва механизмлардан сўм/соатлардаги жорий нархлари. Бир кунлик сменада машина ва механизмлардан фойдаланиш харажатлари 36 минт сўмга тенг. Бир саотдагиси эса:

$$\Pi_{пр}=36000:8=4500 \text{ сўм/соат.}$$

Жами: (25) формулага кўра машина ва механизмлардан фойдаланиш харажатлари:

$$C_{эм}=\Theta_m \cdot \Pi_{пр}=4976 \cdot 4500=6448 \text{ минг сўм}$$

5) Тупроқларни ташишдаги транспорт харажатлари.

Объектда автосамосваллар ёрдамида тупроқларни 2км. гача бўлган масофага ташишдаги транспорт харажатлари 4-жадвалдан фойдаланиб қуйидаги формула билан ҳисоблаб топилади:

$$\Pi_{п}=C_{тт} \cdot K_{жй} \quad (26)$$

Бу ерда: $C_{\text{тг}}$ -тупроқ ташиш баҳоси, 4416 сўмга тенг.

$K_{\text{жй}}$ -жорий йилга ўтиш коэффиценти, 267 га тенг.

$$\Pi_{\text{п}}=4416 \cdot 267=1180 \text{ минг сўм.}$$

Ушбу (26)-формула билан ҳисоблаб топилган харажатларга бошқа харажатлар ва пудратчиларнинг харажатлари(2%) ҳам қўшилиб суғурта қилиш ишларининг харажат қиймати ҳисобланади:

$$C_{\text{р}}=(C_{\text{зп}}+C_{\text{эм}}) \cdot 20\% \quad (27)$$

Бу ерда: $C_{\text{зп}}$ – ижтимоий суғурта ажратмаларини ҳисобга олган ҳолда асосий иш ҳақи харажатлари, 689,7минг сўм.

$C_{\text{эм}}$ – машина ва механизмларнинг фойдаланиш харажатлари, 6448минг сўм.

$$C_{\text{р}}=(C_{\text{зп}}+C_{\text{эм}}) \cdot 20\% =(689.7+6448) \cdot 0.002=14,3 \text{ минг сўм.}$$

Энди юқоридаги(22)-формула ёрдамида жами харажатларни ҳисоблаб чиқамиз:

$$\begin{aligned} C &= (C_0 + C_{\text{м}} + C_{\text{зп}} + C_{\text{эм}} + \Pi_{\text{п}} + C_{\text{р}}) \cdot K_{\text{р}} = (0 + 0 + 689.7 + 6448 + 1181 + 14.3) \cdot 1.2 = \\ &= 8333 \cdot 1.2 = 10000 \text{ минг сўм.} \end{aligned}$$

Демак, жами **50 гектар** ерларни рекультивациялаш харажатларининг жорий йилдаги баҳоси **10 (ўн)** миллион сўмга тенг экан.

VIII. Хулоса

Хулоса бўлимида талаба курс лойиҳасини бажариш давридаги ҳисоблаш-тушунтириш ёзуви ёзиш жароёни, олган кўникмалари ва ўзлаштирган натижалари ҳақида баён этади. Шунингдек хўжаликдаги ер тузиш иқтисоди ҳақида, ер тузиш лойиҳаси, ерларни рекультивациялаш ишларининг харажатлари натижасида харажатларни қопланиш муддатлари, капитал харажатлар самарадорлиги ва соф даромаднинг ўсишини асослаб беради.

IX. Адабиётлар

Ушбу бўлимда талаба лойиҳани бажариш вақтида фойдаланган манбалар, адабиётлар, чизмалар, карта ва бошқа фойдаланган хужжатлар рўйхатини келтириб беради.

X. Курс лойиҳасини расмийлаштириш

Курс лойиҳаси якунлангандан сўнг талаба курс лойиҳаси бўлимлари бўйича мундарижа ёзади. Унда лойиҳанинг бўлимлар бўйича бошланган варақ номерларини белгилаб боради. Сўнггра делага тикади ва делонинг бетига 1-иловада кўрсатилган мазмунда тўлдирилган варақ ёпиштириб делонинг ичидаги курс лойиҳасининг ҳисоблаш-тушунтирув ёзувининг биринчи бетига ушбу қўлланманинг 2-илласида намуна тарзида кўрсатилган курс лойиҳаси томонидан берилган “Курс лойиҳасини бажаргани топшириқ варақа вазифаси” тикилиб, кейин курс лойиҳа варақларини тартиб билан номерлаб чиқади.

Ҳисоблаш-тушунтириш хатини ёзишдан олдин, тоза А4 лист варақлари четлари чизиклар билан чегараланиб рамка чизиб олиш зарур (3-илова).

Графика қисми А1 форматдаги ватман қоғозига керакли масштабда туш билан бажарилади. Ватман қоғозининг четларидан 2мм қалинликда рамка чизилади. Варақнинг ўрта қисмини лойиҳанинг турли хил ечимлари эгаллайди, лойиҳадаги чизиклар керакли қалинликларда чизилади. Жойдаги тафсилотлар эса шартли равишда қабул қилинган ранглар билан бўйлади.

Тайёр бўлган курс лойиҳаси талаба томонидан зийраклик билан қайта-қайта текширилиб чиқилгандан кейин лойиҳа раҳбарига текширтириш учун олиб

келинади. Камчилик ва хатоликлар бўлмаса курс лойиҳаси ҳимояга қўйилади, акс ҳолда камчилик ва хатоларни бартараф этиш учун маслаҳатлар берилиб курс лойиҳаси талабага қайтариб берилади.

Курс лойиҳасини баҳолашда учта кўсаткичдан фойдаланилади ва максимал 100% миқдор билан баҳоланади. Бунда ҳисоблаш-тушунтирув ёзуви учун-30%, графика қисми учун-30%, ҳимоя учун (қўшимча 3та саволга жавоб беришини ҳисобга олиб)-40%гача максимал баҳо ажратилади. Талабанинг ҳимояси учун 15 дақиқа муҳлат ажратилади.

ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси” Тошкент, 1998й.
2. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меърий ҳужжатлар тўплами. Тошкент, 1998й.
3. ”Фермер хўжаликларни юритиш учун фуқароларга узок муддатли ижарага ер участкалари бериш тартиби” . Тошкент, 1998й.
4. Ер ишларини баҳолаш нормативлари. ”МЕР”.Москва, 1984г.
5. Рабочий проект рекультивации земель. ”Ўздаверлоиҳа”-Фарғона,2003й.
6. Мазкур фандан тайёрланган маърузалар матни ва курс лойиҳасини бажаришга оид услубий қўлланма. ФарПИ, 2008й.